

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 3 (11)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиязарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdullaev Elbek Abduqahhor o'g'li AMIR TEMURNING 1393 YILGI ERON YURISHI	5
2. Akbarov Ravshan Xalimovich TURKISTONDA JADID MAKTABLARI TARMOG'INING VUJUDGA KELISHIDAGI SHART-SHAROITLAR	13
3. Бобожонов Шавкатжон Улуғбекович “ҚОЗОН ТЎЛДИ” – НАВРЎЗНИНГ БОЎИЙ МАРОСИМИ	21
4. Дусчанов Расулжон Рахимбаевич ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ	34
5. Israilov Nodir Rahimjonovich LYUDOVIK XIV NI HAYRATLANTIRGAN SIYMO	41
6. Karimova Nazokat Voxidjon qizi ANTIK DAVR FARG'ONA VODIYSIDA URBANIZATSIYA JARAYONLARINI TARAQQIY ETISHI	47
7. Maxmudova Muazzamxon Sultonmahmudovna AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI KUTUBXONALARI	53
8. Mo'minov Mironshoh Abdualim o'g'li THE IMPORTANCE OF SUSTAINABILITY: A PATH TO A GREEN FUTURE	61
9. Mubinov Muhammadali Akobirovich BUXORO AMIRLIGI TO'G'RISIDAGI MA'LUMOTLARNING YEVROPA MAMLAKATLARIDA OMMALASHUVI (INGLIZABON MUALLIFLAR ASARLARI ASOSIDA)	70
10. Нишонов Абдурашид Абдурасулович СЕВИНЧХОЖАХОН ХОНАДОНИ ТАРИХИ МЕМУАР АСАРЛАРДА ЁРИТИЛИШИ	84
11. Nishonov Abdurashid Abdurasulovich KELDIMUHAMMAD SULTON HUKMRONLIGI DAVRIDA FARG'ONA VODIYSIDAGI SIYOSIY JARAYONLAR	90
12. Ravshanov O'ktamali Rustam o'g'li BUXORO AMIRLIGI VA ERON MUNOSABATLARI TARIXIDAN	97
13. Raxmanova Odinaxon Ravshanbekovna., Odilov Muhammadqodir Olimjon o'g'li IBN AN-NADIMNING AL-FIHRIST ASARI TARIXIY MANBA SIFATIDA	107
14. Said Irandoust ESTABLISHING WORLD-CLASS RESEARCH UNIVERSITIES	114

Нишонов А. А.

Фарғона давлат университети., PhD

Abdurasulovich90@gmail.com

СЕВИНЧХОЖАХОН ХОНАДОНИ ТАРИХИ МЕМУАР АСАРЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мемуар асарларда Севинчхожахон хонадони тарихининг ёритилиши мемуар манбалар асосида тадқиқ этилган. Мемуар асарлардаги Севинчхожахон хонадонига оид маълумотлар танқидий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, Севинчхожахон хонадони, Бобурнома, Тарихи Рашидий, Бадоеъул вақоеъ, шайбонийлар, мемуар асарлар.

КИРИШ

Мовароуннахр, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Қошғар ва Эрон ҳудудларида XVI асрда бўлиб ўтган тарихий воқеаларга оид кўплаб тарихий манбалар мавжуд. Биз ўрганаётган Фарғона водийсининг Шайбонийлар даври хусусан Севинчхожахон хонадонининг тарихи ҳақида қимматли маълумотлар XV-XVI асрларда яратилган манбаларда учрайди. Тадқиқотда фойдаланилган тарихий манбаларни хусусиятларидан келиб чиқиб мумуар манбалар бўйича таҳлил қилишни лозим топдик. Бу турдаги асарларда келтирилган маълумотларда муаллифнинг ўзи иштирок этиши маълумотларни ишончлилик даражасини оширади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Севинчхожахон хонадони тарихига оид бўлган маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурни “Бобурнома”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарни “Тарихи Рашидий”, Зайниддин Восифийни “Бадоеъул вақоеъ” каби тарихий манбаларда баён қилинган.

Тадқиқ этилаётган мавзуни ўрганишда тарихий манбалар ва илмий адабиётларга таянилди. Муаллифларининг ҳикоя қилинаётган воқеаларга қай даражада алоқадорлиги ҳамда уларнинг шахсий қарашларидан келиб чиқиб, тарихий манбаларга танқидий ёндашилди. Манбалардаги маълумотларни мантиқий жиҳатдан боғлаш жараёнида қиёсий таҳлил услубидан фойдаланилди. Тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг минтақалараро боғлиқликда ривожланишидан келиб чиқиб, илмий фаразлар билдирилди.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси тарихини ёритишда муҳим манба Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари бўлиб, 1493-1529 йилларда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади. Ушбу мемуар асар “Бобурия”, “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Воқеоти Бобурий” каби номлар билан аталиб, “Бобурнома” сифатида олимлар орасида машҳур бўлди. Асар 1857 йил Қозонда Н.И.Илминский, 1905 йил Лондонда А.Бевеич хонимлар томонидан нашр этилди. “Бобурнома”нинг ўзбекча нашри 1960 йил П.Шамсиев ва С.Мирзаевлар амалга оширди ҳамда 1989 йил қайта нашр қилинди. Асар 2008 йил В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевлар замонавий ўзбек тилига табдил қилинган.

“Бобурнома” асарида XV аср охири XVI аср бошларида Фарғона водийсида юз берган тарихий воқеалар баён қилинган. Асарда водий шаҳарларини жойлашиш ўрни, улар орасидаги масофа, мудофа иншоатлари, аҳолиси, табиати, ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар дунёси ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Фарғона водийсида бўлиб ўтган воқеаларда Бобур мирзонинг ўзи ҳам иштирок этганлиги маълумотлар ишончилигини оширади. “Бобурнома”да Шайбонийхон томонидан водийни забт этилиши, Фарғонани тарк этгунга қадар бўлиб ўтган воқеалар баён қилинган. Шайбонийхон вафотидан кейин мўғул амири бошчилигида Фарғона водийсидан шайбониларнинг қўшинларини қувиб чиқарилиши, уларнинг Бобур мирзодан ёрдам сўраб мурожаат қилиши воқеалари ҳақида ҳам сўз юритилган. Шунингдек, бу вақтда Кобулда бўлган Султон Саидхоннинг водийга юбориши, Фарғонанинг қайта Бобур мирзо тасарруфига ўтиши воқеалари ушбу асарда тилга олинган. Исмоил Сафавий ёрдамида шайбоний султонларни мағлубиятга учратиб Самарқандни эгаллаганидан сўнг, Фарғона ҳокими Султон Саидхон номидан “Тарихи Рашидий” асари муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг амакиси дуғлат уруғидан бўлган Сайид Муҳаммадхон мирзони Бобур мирзога элчиликка келганлиги каби муҳим воқеалар учрайди. Бундан ташқари Бобур мирзо шайбоний султонлардан бўлган Сувинчхожахон ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бериб ўтган.

Ўрганилаётган мавзуга доир муҳим маълумотлар берувчи яна бир манба Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” асаридир. Муҳаммад Ҳайдар мирзо 1500 йили Тошкентда туғилган. Отаси дуғлат уруғига мансуб амир Муҳаммад Ҳусайн Тошкент хони Султон Маҳмудхоннинг ишончли бекларидан эди. Отаси вафотидан сўнг у дастлаб Бухорода, сўнг Бадахшонда яшаган. Она томонидан қариндоши Бобур мирзонинг ҳузурига бориб Кобулда 1512 йилга қадар истиқомат қилди. Бобур мирзо “Бобурнома” асарида Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг илмни чуқур эгаллаганлиги ҳамда яхши хаттот эканлигини таъкидлаган. Мўғул хони Султон Саидхон билан бирга дастлаб

Фарғонага, сўнгра Қошғарга кетиб 1533 йилгача унинг хизматида бўлган. У Султон Саидхоннинг ўғли Султон Абдурашидхонга оталиқ, қўшин қўмондони, вазир лавозимларида фаолият олиб борди. Абдурашидхон тахтга чиққач дуғлат амирларини таъқиб қилганидан хабар топиб Тибатдан Кобулга Камрон мирзо ёнига қочади. Сўнг Аграга Ҳумоюн подшоҳ хузурига бориб уни хизматига киради. Ҳумоюн подшоҳ ёрдамида 1541 йил Кашмирни эгаллайди ва у ерда 1551 йилгача ҳукмронлик қилади.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо “Тарихи Рашидий” асарини 1544-1546 йилларда Кашмирда ёзган. Форс тилида яратилган ушбу манба Мовороуннахр, Ҳуросон, Дашти Қипчоқ, Қошғар, Эрон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон тарихи ҳақида қимматли маълумотлар беради. Асар икки қисмдан иборат. Ушбу асар илмий жамоатчиликни жуда кўп қизиқишларига сабаб бўлган. 1895 йил Е.Д.Росс томонидан инглиз, 1996 йил З.П.Джалилова, Л.М.Епифановалар томонидан рус, 2010 йил В.Раҳмонов, Я.Эгамовалар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр қилинган.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо “Тарихи Рашидий” асарида Бобур мирзодан сўнг водийга нисбатан Фарғона атамасини қўллайди. Ушбу манбада Фарғона водийсига оид қимматли маълумотлар мавжудлиги, “Бобурнома”да баён қилинган воқеаларни тўлдириб келиши билан ҳам аҳамиятлидир. Водийнинг Шайбонийхон томонидан эгалланиши, у ерда ҳокимлик қилган шайбоний султонлар, шайбонийларга хизмат қилган амирлар ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Асарнинг тадқиқотимиз учун қимматли жиҳатларидан бири шуки, унинг Султон Саидхонга бағишланган қисмида учрайдиган Фарғонага оид жуда кўплаб маълумотлар бошқа асарларда мавжуд эмас. Ахсида ҳокимлик қилаётган шайбоний Жонибек Султон, унинг номидан Андижонни бошқараётган Хожи Али баҳодир фаолиятига оид ҳамда Қошғар ҳокими Абобакр мирзонинг водийга қилинган 1514 йилдаги хужуми ҳақидаги муҳим маълумотлар шулар жумласидандир. Султон Саидхоннинг водийни ўз қўлида сақлаб қолиш учун Севинчхожа султон билан олиб борган уруши, Самарқандга Бобур мирзо хузурига ёрдам сўраб элчи жўнатиши, Қозок султони Қосим султон билан дипломатик алоқалари Ҳайдар мирзо томонидан мохирлик билан ёритилган. Водийда XVI асрнинг дастлабки чорагида бўлиб ўтган тарихий воқеалар, Севинчхожахон вафотидан сўнг Андижонда кўтарилган халқ қўзғалони, Султон Саидхоннинг қўзғалончиларни қўллаб қувватлаш борасидаги уринишлари ҳақидаги маълумотлар ҳам бошқа манбаларда учрамайди. Ушбу асардаги воқеаларда муаллифнинг ўзи ҳам иштирок этиши манбанинг қимматини янада оширади. “Тарихи Рашидий” да Фарғона водийсида яшаган халқларнинг этник таркиби, ишлаб чиқариш хўжалиги, яшаш тарзи, қалаларни жойлашуви, бу ҳудудда бўлиб ўтган

жанглarda иштирок этган кўшин сони аниқ баён этилган. Биз тадқиқотимизда асосан “Тарихи Рашидий” асарининг рус ва ўзбек тилларидаги нашрларидан фойдаландик ва зарур ҳолларда бошқа нашрларга ҳам мурожаат қилдик.

Шунингдек, ўрганилаётган мавзуга оид яна бир манба (Нодир воқеалар) асаридир. Зайниддин Восифий ушбу асарни эсдаликлар сифатида ёзган. Унинг ҳаёти ва фаолият ҳақида ушбу асар орқали билиб олишимиз мумкин. Восифий узоқ йиллик саргардонликдан сўнг 1522 йил Шохрухияда Келдимухаммадхон саройида кўниб топади. Тошкент ҳокими Суюнчиҳўжахон вафотдан сўнг 1525 йил Тошкентга келади. Зайниддин Восифий Келдимухаммадхон бошчилигидаги Тошкент ва Фарғона аскарлари билан бирга Убайдуллохон бошчилигидаги шайбоний кўшинлари билан бирга сафавийларга қарши Хуросон юришида иштирок этган. “Бадоеъул вақое” асарида 1532 йилгача бўлган тарихий воқеалар баён қилинган.

Зайниддин Восифий ҳаёти ва “Бадоеъул вақое” асари ҳақида Садриддин Айний кўплаб изланишлар олиб борган ҳамда “Восифий ва хулосаи” асарини чоп қилди. “Бадоеъул вақое”ни А.Н.Болдирев ўрганган ҳамда 1961 йил танқидий матнини чоп эттирди. Ушбу манба 1971 йил Камол Айний томонидан Техронда нашр қилинди. “Бадоеъул вақое” асарини 1979 йил Наим Норкулов форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

Ушбу манбада XV аср охири XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр, Туркистон, Хуросон ва Эронда бўлиб ўтган тарихий воқеалар ёритилган. Биз ўрганаётган мавзуга оид бўлган маълумотлар Севинчхожахон фаолияти бағишланган қисмда, Келдимухаммад султон ёнига Оҳангаронлик бир аёлни хат олиб келиш воқеаси, Келдимухаммад султоннинг Тошкент тахтига чиқиш баёни, Тошкент хонининг Хуросонга юришига бағишланган воқеаларда учрайди.

ХУЛОСА

Шуни айтиш мумкинки мемуар асарларда ёритилаётган тарихий воқеаларда муаллифларнинг ўзлари иштирок этиши маълумотларни ишончлилиқ даражасини ошириш билан бирга ушбу воқеаларни ҳолислигига шубҳа уйғотади. Бу турдаги манбалардаги маълумотларни таҳлил қилишда маълум даражада танқидий ёндашиш талаб этилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. Собрание восточных рукописей Академии Наук Республики Узбекистан. История. – Т.: Фан, 1998. – С. 126-127;
2. Б.Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Б. 297-298;

3. А.Мадраимов, Г.Фузаилова. Манбашунослик. – Б. 130;
4. История Узбекистана (ХВИ-первая половина XIX века). – С. 20-39;
5. Б.Ахмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Б. 84;
6. Гиёсиддин бин Ҳумомиддин Хондамир. Буюклик хислати: «Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар» китобининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблари. // Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи И.Бекжонов. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 3-10;
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”дан. // Ўзбекситон тарихи. Херостаматия. 3-жилд. ХВИ – XIX асрлар. – Т.: “Фан ва технология”, 2014. – Б. 124-132;
8. Б.Усмонов. Фарғона волийси Амир Темур ва Темурийлар даврида. – Б. 18-19;
9. А.Замонов. Бухоро хонлигида қўшин тузулиши ва харбайи бошқарув. – Б. 18-19;
10. Р. Арслонзода. Истокчниковедение. – Б. 175-177.
11. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. / сўз боши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В.Рвхмонов ва Я.Эгамова. – Т.: Шарқ. 2010. – Б. 257-259.
12. Зайниддин Муҳаммад Восифий. Бадоеъул вақоеъ – Нодир воқеалар. / Форсийдан Н.Норкулов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 216-б.

Нишонов А. А.

Ферганский государственный университет., PhD

Abdurasulovich90@gmail.com

ИСТОРИЯ ДИНАСТИИ СЕВИНЧОДЖАХАНОВ ОСВЕЩЕНА В МЕМУАРАХ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается освещение истории династии Севинчоджахан в мемуарах на основе мемуарных источников. Критически анализируются сведения о династии Севинчоджахан в мемуарах.

Ключевые слова: Ферганская долина, династия Севинчоджахана, Бабурнама, Тарихи Рашиди, Бадоеул Вако, шайбаниды, мемуары.

Nishonov A. A.

Fergana state university., PhD

Abdurasulovich90@gmail.com

THE HISTORY OF THE SEVINCHOJAKHAN DYNASTY IS COVERED IN MEMOIRS

ABSTRACT

This article examines the coverage of the history of the Sevinchojakhan dynasty in memoirs based on memoir sources. The information about the Sevinchojakhan dynasty in memoirs is critically analyzed.

Keywords: Fergana Valley, Sevinchojakhan's dynasty, Baburnama, Tarikhi Rashidi, Badoe'ul waqo'e, shaybanids, memoirs.